# ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ДАСТУРЛАШ ТИЛЛАРИДАН ОЛГАН БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИ YANDEX.CONTEST ИМКОНИЯТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

**В.З.Алламуратова** – *методист*
*Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълим вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази*

**Таянч сўзлар:** yandex, contest, рақамли технологиялар, Yandex Direct логин**,** пароль, домен.
**Ключевые слова:** яндекс, контест, цифровые технологии, логин Яндекс, Директ, пароль, домен.
**Key words:** yandex,contest, digital technologies, Yandex Direct login, password, domain.

Таълим сифатини ривожлантиришга бевосита таъсир кўрсатадиган ҳар қандай факторни яъни, рақамли технологияларга асосланган замонавий таълим муҳитини яратиш ва дастурлаш бўйича ўқувчиларнинг қобилиятлари, мотивлари, билим ва кўникмаларини оширишда таълим платформадан фойдаланишлари мумкин.

Таълим платформаси, аслида ўқув материалларини жойлаштирадиган ва ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида алоқа ўрнатадиган сайтдир. Бу ҳам алоқа канали, ҳам маълумотлар омбори, ҳам ўрганиш воситаси, шунингдек, олинган билимларни синаб кўриш усулидир. Шундай платформаларнинг бири **yandex.contest** - бу масалаларини дастурлаш учун мўлжалланган, шахсий ва жамоавий танловларда қатнашиш имконини берадиган ва архив файлларда сақланган масалаларини ечиб ўз билимларини синаб кўриш имкониятига эга платформа бўлиб ҳисобланади. Бу платформада ўқувчилар дунёнинг исталган жойидан туриб масалаларни бажаришлари мумкин. Бунда ечимлар автоматик равишда текширилади ва масалалар муаллифлар томонидан тизимга киритилади. Ўқувчилар ўз ечимларини тест тизимига юборадилар ва ўз натижасини кўриб ўтириш имкониятига эга бўлади [4].

**Yandex. Contest танловига қатнашиш йўриқномаси.**

**Yandex. Contest** танловига қатнашиш учун рўйхатдан қандай ўтиш мумкин?

Бунда сайтнинг асосий саҳифасининг юқори ўнг бурчагидаги "Рўйхатдан ўтиш" тугмасини босиб, шахсий маълумотларингизни киритишингиз керак бўлади.

Yandex direct ҳисоб қайдномасида рўйхатдан ўтиш
1. Исм ва фамилия.
2. Тизимга кириш учун ….
3. Пароль. ...
4. Телефон рақами.

Киритилган телефон рақамига СМС код келади ва шу кодни киритасиз. **Yandex. Contest** танлов саҳифасига ўтиш учун юқори ўнг бурчагидаги, Кириш тугмасини босиб, ташкилотчилардан олинган логин паролни киритишингиз керак бўлади. Агарда тизимга кира олмасангиз, браузерингиз yandex.ru домени учун cookie-файлларни сақлашга рухсат бермаслигини текшириб кўришингиз мумкин. Танлов ташкилотчилари томонидан бир қатор масалалар тайёрланиб, платформага жойлаштирилиб қўйилади.

Танловнинг ҳаволаси: https://contest.yandex.ru/contest/35905/enter

Агарда танлов манзилини нотўғри киритган бўлсангиз, танловга қатнаша олмайсиз. Шунинг учун ҳаволани киритганингизда эҳтиёт бўлишингиз керак бўлади. Ҳаволани киритгандан сўнг танлов саҳифаси очилади. Агар платформада рухсатингиз бўлмаса, авторизация сўраши мумкин: [5]




**Авторизация саҳифаси.**

Агарда авторизациядан сўнг танловни кўриш ҳуқуқи йўқлиги ҳақида хабарни кўриб қолсангиз, танлов манзилини киритишда хато қилганингизни билишингиз мумкин.




Агарда очиқ рўйхатдан ўтиш танловида қатнашаётган бўлсангиз, унда иштирок этиш истагингизни "Рўйхатдан ўтиш" тугмасини босиш орқали тасдиқлашингиз керак бўлади:




**Танлов давомида тест тизими саҳифаси**

Танлов бошлангандан сўнг, исталган вақтда унинг номини босиш орқали танловнинг ҳолатини билиб олишингиз мумкин бўлади. Агарда танлов ҳали бошланмаган бўлса, унда танловнинг бошланиш вақтини ортга ҳисобланишини кўришингиз мумкин.[4]




**Ҳисоблаш ойнаси саҳифаси**

Ортга ҳисоблаш бу тизимга тўғри кирганингизни билдиради ва танлов бошлангандан сўнг танловда иштирок этиш шартлари ва интерфейси мавжуд бўлади.




**Танлов давомида тест тизими саҳифаси**

Танлов бошлангандан сўнг, исталган вақтда унинг номини босиш орқали танловнинг ҳолатини билиб олишингиз мумкин.

Танловнинг барча саҳифаларида танлов учун асосий бошқарув элементларини кўрасиз.
1. Танлов номи.
2. Танлов якунига қадар қолган вақт
3. Ҳакамлар ҳайъати билдиришномаларини кўриш тугмаси (агар умумий билдиришнома ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан юборилган бўлса, мавжуд бўлади)
4. Вазифа саҳифаси
5. Барча вазифалар учун текширишга юборилган барча ечимлар рўйхати
6. Ҳакамлар ҳайъатига саволлар юбориш ва уларга жавоб олиш учун саҳифа

7. Танлов иштирокчилари саҳифаси
8. Жавоблар сахифаси

"Вазифалар" ҳаволасини босгандан сўнг, танловда тақдим этилган биринчи топшириқнинг саҳифаси очилади [5].




**Вазифа саҳифаси**

Ўнг томонда вазифалар ўртасида ҳаракатланиш учун ҳаволалар мавжуд. Танлов давомида исталган вақтда сиз таклиф қилинган ҳар қандай вазифага ўтишингиз мумкин.

Қуйидаги шартлар остида масаланинг ечимини тақдим этиш шакли мавжуд.




**Вазифани кўриб чиқиш учун юбориш саҳифаси.**

1. Тавсия этиладиган фойдаланиладиган дастурлаш тили танланади

2. "Танлаш" тугмасини босиб ва компьютерингиздаги вазифани ҳал қилиш учун манба коди билан файл танланади. Аллақачон тузилган ечимлар ёки натижаларни тақдим қилиш мумкин эмас.

3. Танланган дастурлаш тили ва файл тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилинг

4. “Юбориш” тугмасини босиб бўлиб, ечим юборилгандан сўнг, у масаланинг ечимини юбориш шакли остида жойлашган жорий масалалар бўйича пакетлар рўйхатга қўшилади.



Тақдим этилган ечим ҳақида қисқача маълумотга қўшимча равишда, топшириқни сатрнинг ўнг томонидаги "ҳисобот "ҳаволасини босиш орқали батафсил тест ҳисоботини кўришингиз мумкин. Танлов созламаларига қараб, тест қаторини танлов тугагандан сўнг ёки сўров бўйича дарҳол кўришингиз мумкин бўлади. Сўровлар танловда қўллаб-қувватланса, топшириш ҳисоботини очиб “Сўров” тугмасини босишингиз кифоя.




**Посилка саҳифаси.** Тақдимотлар саҳифасида барча топшириқларингизнинг тўлиқ рўйхати, шунингдек, вазифа саҳифасидаги шаклга ўхшаш, аммо қўшимча топшириқ танлаш майдонига эга бўлган масала ечимини юбориш шакли мавжуд.




**Хабар саҳифаси.** Шарт ҳақида савол бериш ёки танлов ҳақида умумий савол бериш учун хабар саҳифасидан фойдаланишингиз мумкин.




**Хабар юбориш саҳифаси.** Савол умумий ёки танлов топшириқларидан бири билан боғлиқлигини танлаб, хабар матнини киритиб бўлиб, "Юбориш" тугмасини босинг.

Ҳакамлар ҳайъатига хабар юборилгандан сўнг, у хабар саҳифасининг пастки қисмида кўрсатилади.

“Иштирокчиларнинг ҳолати” тугмасини босиб иштирокчиларнинг ҳар бирининг масалалар бўйича олган балларини кўришингиз мумкин.



**Иштирокчиларнинг ҳолати саҳифаси**

**Хулоса.** Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ахборот технологияси нуқтаи назаридан рақамли платформа махсус тоифадаги автоматлаштирилган ахборот тизимидир. Рақамли технологиялар ва платформаларни таълимда қўллаш ўқувчиларнинг қизиқишларини оширишга ва ижобий мотивациясини шакллантиришга ёрдам бериши ва ўқув жараёнини режалаштириш ва ташкил этиш учун қулай ва самарали восита бўлиб хизмат қилиши, унда ҳар бир ўқувчи вақтдан унумли фойдаланиши ва таълим мақсадларига эришиш натижалари ҳақида тезкор фикр-мулоҳазаларини олиши мумкин.

**Адабиётлар**

1. Шаронин Ю.В. Цифровые технологии в высшем и профессиональном образовании: от личностно ориентированной Smart-дидактики к блокчейну в целевой подготовке специалистов // Современные проблемы науки и образования. 2019. №1.

2. Агибова И.М. Условия и факторы организации эффективной самостоятельной работы студентов с использованием информационных и коммуникационных технологий.
3 https://mnmc.hse.ru/service/yandex_contest
4. http://olymp74.ru/files/view.php?id=f020f46514c4bf89d4cd2f4d2fe4be185792e635972b611c7788f984e9f8a96c
5. https://yandex.ru/support/contest-management/contest/main.html

**РЕЗЮМЕ.** Ўқув жараёнида рақамли технология дастурлаш учун мўлжалланган платформалардан фойдаланиб, ўқувчиларнинг билим сифатини оширишга ёрдам бериш учун тавсия этилади.
**РЕЗЮМЕ.** Использование в учебном процессе платформ программирования цифровых технологий рекомендуется для повышения качества знаний учащихся.
**SUMMARY.** Using digital technology programming platforms in the learning process is recommended to help improve the quality of students' knowledge.

**UDK. 23-24; (112)-2022**

## ALAMOYNAQ DUWTAR SAZLARÍNÍŃ MUZÍKA ÍRǴAQLARÍ

**Z.Asqarova –** *úlken oqıtıwshı*
*Ózbekstan mámleketlik kórkem óner hám mádeniyat institutı Nókis filialı*

**Tayanch so'zlar:** dutor, ritmik naqsh, milliy kolorit, melisma, cholgʻu ansambli, doston, ijro mahorati.
**Ключевые слова:** дутар, ритмический рисунок, национальный колорит, мелизм, инструментальный ансамбль, дастан, исполнительский навык.
**Key words:** dutar, rhythmic pattern, national color, melisma, instrumental ensemble, dastan. performing skill

İrǵaqlar ásirler boylap xalıq muzıkası menen birge rawajlanıp –namalarımızdıń ajıralmas bir bólegine aylanǵan muzıkalıq element. Olar tiykarınan namanıń sulıwlıǵın, mánisin, tásirsheńligin tolıqtırıp barıwı menen birge, milliy koloritti de keltirip turatuǵın qásietke iye. Usınday qaytalanbas tárepleri menen barǵan sayın boyına shıray qomlap – búgingi kúni milliy muzıkamızdıń ózine tán jarasıǵına aylandı. Alamaoynaq duwtar sazlarında ushırasatuǵın ırǵaqlardı ulıwmalastırıp tórt túrge bóliwge boladı [1:54].

1. Melodiya notasınıń dási menen alınatuǵın «forshlag» ırǵaqları
2. Melodiya notasınıń dási menen alınatuǵın «mordent» ırǵaqları
3. Óz aldına silkpe dás penen alınatuǵın «dásli forshlag» ırǵaqları
4. Tek sol bir namaǵa beymlesken ırǵaqlar

**Nama notasınıń dáslepki menen alınatuǵın «forshlag» ırǵaqları.** Nama notasınıń dási menen alınatuǵın ırǵaqlar - forshlag hám mordent ırǵaqları dep ekige bólinedi. Óz gezeginde forshlag ırǵaqları da eki túrge bólinedi: nama notasınıń izinde keletuǵın uzın forshlag ırǵaǵı hám nama notasınıń aldında keletuǵın qısqa forshlag ırǵaǵı dep. Ekewi de liga sızıǵı menen nama notasına jalǵanıp jazıladı.

**Uzın forshlag ırǵaqları.** Endi uzın forshlagtıń óziniń de eki túri boladı: nama notasınan bálent jaylasqan uzın forshlag hám nama notasınan páste jaylasqan uzın forshlag. Ekewi de nama notasınıń izinde keledi hám sol ırǵaq - jazılǵan nama notasınıń sozımlıǵınıń jartısına sanaladı.

**1-mısal**



Bul mısalda 1 hám 4-notalardıń izinde uzın forshlagtıń nama notasınan bálent jaylasqan usılı jazılǵan. 1-qatarda jazılıw kórinisi, al astıńǵı 2-qatarda sanap shertiliw tártibi berilgen. (Keyingi mısallar da usı tártipte jazılıp barıladı). Shertkende - dáslep nama notasın óziniń tiyisli dási menen alamız (kórip turǵanızday bul jerde páske qaǵılatuǵın dás jazılǵan) izinen ırǵaqtıń notasın dássiz tek barmaqtıń háreketi menen alamız [2:192] **2-mısal**



Bul mısalda 1 hám 4 notalardıń izinde uzın forshlagtıń nama notasınan paste jaylasqan usılı jazılǵan. Atqarılıw tártibi 1-mısaldaǵıday boladı.

Uzın forshlagtıń eki usılında da al'teraciyalanǵan sesler paydalanılıwı múmkin, tómendegi mısalda solardıń hár qıylı variantları keltirilgen. Barlıǵınıń da atqarıw tártibi birdey boladı. **3-mısal**



Endi uzın forshlagtıń - on altılıq notanıń izinde jazılǵan variantın kórip shıǵamız. Joqarıda aytıp ótkenimizdey, uzın forshlag qaysı notanıń izinde jazılǵan bolsa – sol notanıń sozımlılıǵınıń jartısına sanalıp shertiledi dep. Tómendegi mısallarda uzın forshlag on altılıq notanıń izinde jazılǵan, demek forshlagtıń sozımlıǵı otız ekilik notaǵa teń boladı [3:195].

Shertkende - dáslep nama notasın tiyisli dási menen alamız (kórip turǵanızday bul jerde joqarıǵa qaǵılatuǵın dás jazılǵan) izinen ırǵaqtıń notasın dássiz tek barmaqtıń háreketi menen alamız. Demek, atqarılıw tártibi joqarıdaǵı mısallardaǵıday boladı, tek parqı eki ese shaqqanıraq shertiledi. **5-mısal**



Bul mısalda forshlaglar izbe-iz ekewden kelgen. Sanap shertiw tártibi 4-mısaldaǵıday boladı, tek parqı forshlaglar qatarına ekewden kelgen.

**Qısqa forshlag ırǵaqları.** Qısqa forshlag ırǵaǵı da nama notasınıń dási menen alınadı, biraq parqı barqulla nama notasınıń aldında keledi. Qısqa forshlagtıń da eki usılı bar. Birinshisi nama notasınan bálent jazılǵan qısqa forshlaǵ hám ekinshisi nama notasınan páste jazılǵan qısqa forshlag. Olardıń notadaǵı kórinisi hám atqarılıw tártibi tómendegi mısalda keltirilgen.

Mısalda hár takttiń birinshi notasınıń aldında nama notasınan páste jaylasqan qısqa forshlag ırǵaǵı berilgen. Atqarǵanda - birinshiden dás penen qısqa forshagtı alamız, keyin irkilmesten dássiz barmaqtıń shaqqan háreketi menen namanıń notasın alamız.



Bul mısaldıń 3 hám 4-taktlerinde hár notanıń aldına qısqa forshlag qatara qoyılǵan. Atqarıw tártibi joqarıdaǵı 1 - mısaldaǵıday boladı. Tek parqı bul jerde qısqa forshlag qatarına izbe-iz kelgen.

Atqarıw tártibi joqarıdaǵı 2 - mısaldaǵıday boladı. Biraq parqı 3-mısalda qısqa forshlag, nama notasınan bálent jaylasqan hám 1- turǵan forshlag on altılıq notanıń aldında, al izindegi 2 hám 3- forshlaglar segizlik notanıń aldında kelgen. Sonı da aytıp ótiwimiz kerek – forshlaglar